

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*60110500 – Бошлангич таълим бакалавриат таълим йўналишининг
малака талаблари*

Тошкент

ЎЗР ОЎМТВ

Бўйруқ № 365
25 08 2021 йил

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат педагогика университети;

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021 йил «15» 08 даги 365 - сонли буйруги билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий коидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида Малака талабини расмий чоп этиш хукуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишилдири.

МУНДАРИЖА

Т/р				бет
1.	<i>60110500 – Бошлангич таълим йўналишининг тавсифи.....</i>	бакалавриат	таълим умумий	4
1.1.	<i>Кўлланиш соҳаси</i>			4
1.1.1	<i>60110500 – Бошлангич таълим бакалавриат таълим йўналиши Малака талабининг кўлланилиши.....</i>			4
1.1.2	<i>Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари</i>			4
1.2	<i>60110500 – Бошлангич таълим бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи</i>			4
1.2.1.	<i>60110500 – Бошлангич таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....</i>			5
1.2.2.	<i>60110500 – Бошлангич таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....</i>			5
1.2.3.	<i>60110500 – Бошлангич таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....</i>			5
1.2.4.	<i>60110500 – Бошлангич таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг вазифалари.....</i>	йўналиши	бўйича касбий	6
2.	<i>60110500 – Бошлангич таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига кўйиладиган талаблар.....</i>			6
2.1.	<i>Умумий компетенциялар.....</i>			6
2.2.	<i>Касбий компетенциялар.....</i>			7
2.3	<i>Касбий квалификациялар.....</i>			7
	<i>Библиографик маълумотлар.....</i>			8
	<i>Келишув вараги</i>			9

1. 60110500 – Бошлангич таълим бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

60110500 – Бошлангич таълим таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машгулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффакиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидағи расмий хужжат(лар) берилади.

1.1. Кўлланиш соҳаси

1.1.1. 60110500 – Бошлангич таълим бакалавриат таълим йўналиши Малака талабининг кўлланилиши.

Олий таълимнинг ушбу малака талаби **60110500 – Бошлангич таълим** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўкув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлгандა малака талаблари асосида ўкув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳукуқига эга деб ҳисобланади.

1.1.2. Малака талабининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютукларини ҳисобга олган ҳолда ўкув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўкув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўкув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талabalari;
- ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиги, деканлар ва кафедра мудирлари);
- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;
- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;
- таълим йўналиши(таркиби)нинг бакалавриат таълим йўналишларидан бирини ихтиёрий танлаш ҳукуқига эга бўлган аббитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. 60110500 – Бошлангич таълим бакалавриат таълим йўналиши бўйича касбий фаолиятлари тавсифи

1.2.1. 60110500 – Бошлангич таълим таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

60110500 – Бошлангич таълим бакалавриат таълим йўналиши - умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари учун бакалавриат таълим йўналиши бўйича педагогик кадр жараёнида фойдаланиладиган фанлар, педагогик фаолият воситалари, усуслари, методлари;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида ҳамда мустақил тадқиқотчи сифатида илмий-педагогик тадқиқот ишлари билан шуғулланиш;

оммавий ахборот воситалари, давлат бошқаруви органлари, бошқа давлат ва нодавлат муассасаларида касбий фаолият юритиш каби комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.2. 60110500 – Бошлангич таълим таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг обьектлари:

- фан, таълим жараёни; ўқитишининг педагогик технологиялари ва методлари;

- фан ва таълимнинг назарий масалалари; ўқитиши методикаси;

- лойихалаштириш асосида ўкув жараёнини бошқариш технологиялари, маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини лойихалаштириш ҳамда ташкил этиш жараёни, шахсий ва касбий ахборот майдонини шакллантириш жараёни, мактабдан ташқари таълим муассасалари таълим-тарбия жараёни; таълим соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимларини топишни ташкил этиш жараёни; таълимни бошқариш ва педагогик жараённи ташкил этиш;

- мос ихтисослик бўйича илмий-тадқиқот жараёнлари, маънавий-маърифий тарғибот ишлари жараёни;

60110500 – Бошлангич таълим таълим йўналиши бўйича бакалавр **70110501-Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (бошлангич таълим)** магистратура мутахассислиги бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқиши давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишиларининг малака талаблари ва ўкув режсаларини ишлаб чиқиша ҳисобга олиншии назарда тутилади.

1.2.3. Таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари

- педагогик;
- илмий-тадқиқот;
- маънавий-маърифий;
- ташкилий-бошқарув;

Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Таълим йўналиши йўналишлари бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аникланади.

1.2.4. 60110500 – Бошлангич таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60110500 – Бошлангич таълим таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти куйидагиларни қамраб олади:

–умумий ўрта таълим мактабларининг бошлангич синфларида “Она тили”, “Ўқии”, “Математика”, “Технология”, География таркибидағи: “Табиатшунослик”, “Атрофимиздаги олам”, “Тарбия”, ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларида касбий фанларидан ўрнатилган тартибда дарс бериши;

–умумий ўрта таълим мактаблари, ихтисослаштирилган мактаб, касб-хунар коллежлари ва мактабдан ташқари муассасаларида ўқитувчи (ташкилотчи) бўлиб ишилаш;

–таълим тизимида кабинет мудири, лаборант ва унга тенглаштирилган лавозимларда ишилаш;

–мос таълим шўналишлар бўйича таълимни амалга оширувчи вазирликлар, унинг тармоқ бошқармалари ва муассасаларида методист бўлиб ишилаш;

Илмий-тадқиқот фаолияти:

–илмий-тадқиқот ташкилотларида кичик илмий ходим бўлиб ишилаш;
–маҳаллий ўз-ўзини бошқарниш органлари ҳамда жойлардаги маънавият ва маърифат марказларида ишилаш;
–бошлангич таълим педагогикаси ва технологияси, ўқитишининг дидактик воситаларини ишилаб чиқиши ва амалиётга жорий этиши.

Битирувчилар касбий қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин олий, умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус ва касб-хунар таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аникланадиган турдош (соҳага мос) фанларни ўқитиш имкониятига эга бўлади.

2. 60110500 – Бошлангич таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- фуқаролик жамиятининг долзарб масалаларини билиши, Ўзбекистон ривожлантириш стратегиясига асосланган фаол ҳаётй нуқтаи назарга;
- дунёқараш билан bogлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;
- Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиклол гоясига асосланган фаол ҳаётй нуқтаи назарга эга бўлиши;
- табиат ва жамиятда кечётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;
- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф мухитга муносабатини белгиловчи хуқукий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;
- хорижий тажрибаларга асосланиш, хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид хужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурый билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;
- ахборот йигиши, саклаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усууларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;
- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш укув ва кўнимкамларига эга бўлиши лозим.

2.2. Касбий компетенциялар:

- таълим йўналишлари бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;
- тегишли бакалавриат йўналишлари доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида кўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

Библиографик мълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гурӯҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:


Давлат таълим стандарти, малака талаблари, ўкув режа, компетенция, модуль, касбий фаолият соҳаси, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият тури, амалиёт, амалиёт обьекти, кадрлар сифати, юклама, юклама хажми.

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриатнинг асосий ўкув режа ва фандастурлари, касб, укиб-ўрганиш натижалари, ўкув даври, мактаб амалиёти, тармоқлар ва соҳалар, малака талаблари, бакалавриатнинг ўкув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, педагогик амалиёт, ташкилий-бошқарув, тарбиявий иш фаолияти, мутахассислик ва ихтисослик, малака амалиёти, битириув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўкув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, инновация, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни.

КЕЛИШУВ ВАРАГИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Тошкет давлат педагогика университети

Ректор  А.Ю.Умаров

2021 йил « ____ »

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илгор
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор в.б.  М.Эсанов

2021 йил « ____ »
М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазирлиги

 Вазир ўринбосари



Республика таълим маркази
директори

Директор.  Ш.Саттаров

2021 йил « ____ »
М.Ў.

